

Илм-маърифат фидойиси (иккинчи мақола)



12:30 / 05.12.2021 1599

1863 йилда Иноятхожа Бухоро амирининг рухсати ва устозларининг оқ фотиҳаси билан она юрти Наманганга қайтади. Иноятхожанинг ақл-идроки, билим-заковати, илм олишдаги тиришқоқлиги ва ўтқир зеҳнини кўрган Бухоро олимлари, «у Бухоро илмининг ярмини юртига олиб кетди. Чунки у «ду чорак» китобини ёд билар эди», дея таърифлаган эканлар. Чорак сўзи ботмоннинг тўртдан бири, бир ботмон 10-11 пуд, «ду чорак» 80-85 кг ни англатади.

Иноятхожа Наманганга қайтгач, Лангар мавзесидаги масжидда мударрислик ва имом-хатиблик фаолиятини бошлайди. Тез орада унинг доврўғи бутун Ўрта Осиё ва Қўқон хонлиги ҳудудларида маълум ва машҳур бўлиб кетади.

1864 йил Миён ҳазратларининг тавсиялари билан Қўқон хони Худоёрхон (1845-1875) ёш Иноятхожани Наманган уламолари раиси ва Азизхожа мадрасасининг бош мударриси қилиб тайинлайди. Бу фармонни омма орасида эълон қилиш ва ижросини таъминлаш мақсадида Миён ҳазрат Наманганга ташриф буюрадилар ва омма орасида Худоёрхоннинг ушбу фармонини ўқиб эшиттирадилар. Иноятхожа ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажаришга киришади. Даставвал, масжид ва мадрасалар фаолиятини яхшилашга киришади. Уламолар ҳайъатини тузиб, бир қатор мударрис ва имом-хатибларнинг билим ва салоҳиятларини кўриқдан ўтказди. Вақф, закот, ушр каби даромадларнинг йиғилиши ва

тақсимланишини тафтиш эттиради. Қуръони Каримни ёд олган қориларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилади ва уларнинг тажвид ва тартил қоидаларига амал қилишларини ҳам қаттиқ назорат қилади.

Бундан ташқари, бозор ва расталарни айланиб, тош-тарозиларни текширтирар, ҳунарманд ва тужжорлардан савдо-сотик қоидаларига амал қилишларини талаб этарди.

Халқ Иноятхожани алломалар улуғи, халқпарвар, ростгўй ва мард инсон деб мадҳ қиларди. Гуруч курмаксиз бўлмади дейилганидек, Иноятхожанинг муваффақиятларини кўра олмайдиган аламзада, хасадгўй рақиблари бир неча бор Қўқон хони Худоёрхонга ифво, тухмат ва бўхтонлар билан шикоят қилишади. Аллоҳнинг раҳмати ва инояти билан Иноятхожа бир неча бор хоннинг қаҳру-ғазабидан омон қолади. Тахминан 1866-1867 йиллар орасида шикоятлардан безор бўлган Худоёрхон Иноятхон Лангарийни оиласи билан Андижон вилоятининг Шаҳрихон мавзесига (сургун қилиб) жўнатиб юборади. Иноятхожа у ерда ҳам бекор бўлмай шаҳар мадрасасида толиби илмларга дарс бериб, мударрислик қиладилар. Маълум вақтдан кейин Наманганга қайтиб келиб, умриларининг охиригача мударрислик фаолияти билан шуғулланади. Бир вақтнинг ўзида Азизхожа эшон, хожа Амин ва Лангар масжиди қошидаги мадрасаларда юзлаб толиби илмларга таълим беради.

Шогирдларидан кўплаб дин пешволари, олими уламолар, қозилар, муфтийлар ва аъламлар етишиб чиққан. Биргина Наманганнинг ўзидан Иноятхожа Лангарийдан таълим олган бир қанча пешқадам машҳур уламолар етишиб чиққан. Улар: Жунайдуллохон тўра, Собитхон тўра (1866-1927), Яҳёхон тўра, Мулла Нажмиддинхон тўра, Мулла Нуриддин хожа, Муҳаммадхон тўра (1850-1928) ибн Меҳмонхон тўра, ҳазрати Авлиё домла (мулла Отахон Махдум ваф.1924), мулла Бобохон Нодим Намангоний (1844-1910), Исҳоқхон тўра Ибрат (1862-1937), мулла Йўлдош Ҳилватий (1858-1921), Комол хожа эшон, Аҳрор хожа Аълам, Мирзо Юнус (заррин қалам), мулла Жалол қори (пешқадам), Сиржиддин махдум ва бошқалар.

Юзлаб шогирдларга таълим ва тарбия берган Иноятхожа Лангарий илм олишдан тўхтаб қолмади. У устози Миён ҳазрат даргоҳларига тез-тез бориб, таълим олишни давом эттиради. Кейинчалик устози Миён ҳазрат рухий ва маънавий камолот ҳосил қилиш учун Муҳаммад Солеҳ хонақоҳларига бориши лозимлигини айтадилар. Муҳаммад Солеҳ (Эшони Хўқандий) Нақшбандия тариқатининг намояндаларидан, ўз даврининг маълум ва машҳур олим ва мударрисларидан бири бўлган.[1]

(Давоми бор)

**Акрам Шарипов, мустақил тадқиқотчи,
Чиноз тумани, Олмазор қўрғони.**

—

[1] Ушбу шахс ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун қаранг; И.Останақулов.
Авлиёлар султони, Туронлик валийлар.-Т.; Янги аср авлоди, 2004, Б.218.

—

—

—